

Бошланғич синф ўқувчиларида инглиз тили ёзма нутқини шакллантириш борасида методик тавсиялар

Д. Ибраимова,

Қашқадарё ВХТХҚТМОИ

Тил ва адабиёт таълими кафедраси ўқитувчиси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тиллар тизимини ўрганиш жараёнини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-№1875 сонли қароридан сўнг умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларидан бошлаб чет тилларни ўргатиш йўлга қўйилди ва таълим дастури яратилди. Дастурга кўра, 1-синф ўқувчиларига чет тилини оғзаки нутқ шаклида ўргатиш талаби қўйилган бўлса, 2-синф ўқувчиларида ўрганилаётган чет тили алифбосидан бошлаб ҳарфлар, сўзлар ва гапларни ёзиш кўникмасини шакллантириш талаб этилади.

Президентимизнинг 1875- сонли қарорининг жойлардаги ижросини ўрганиш юзасидан Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан вазирлик вакили Т. Турсунов бошчилигида вилоятимизда ишчи гуруҳ ташкил этилди ва Қарши туманининг 6 мактабидан 13 нафар 2- синф ўқувчиларидан, Қарши шаҳридаги 1-ИМ даги 8 нафар 2-синф ўқувчиларидан тестлар олинди, текширилди ва таҳлил қилинди. Тестлар олиш жараёнида ўқувчилар тест саволлари ва жавобларини ўқишда ва тушунишда анча қийинчиликларга дуч келишди, бунга сабаб эса уларда ўқиш ва ёзиш кўникмасининг етарли даражада шаклланмаганлигидир.

2- синф ўқувчиларининг чет тилида ёзиш ва ўқиш кўникмасини шакллантириш чет тили ўқитувчиларимиз учун қийинчилик туғдирмоқда дейиш мумкин. Бу борада Қарши туманига қарашли мактабларнинг инглиз тили ўқитувчилари Шукурова Раъно, Сатторова Шодия, Ҳакимова Зилола, Раҳматова Дилдора, Усмонов Аслиддин, Рўзиева Хуснора, Сафарова Гулмира, Маматова Фароғат, Арзиқулова Феруза, Раззоқова Замира, Ҳамдамова Насиба, Қарши шаҳар 1-ихтисослашган мактаб инглиз тили

Ўқитувчилари Равшанова Гўзал, Фармонов Дилшод, Юсупова Дилдора, Аминова Анжелика, Қўлдошева Азизалар билан олиб борилган суҳбатдан бу қийинчиликларнинг бир қатор омиллари борлиги аниқланди:

1. 2-синфда ўқувчиларга рус тили фани ва кирилл алифбосини ўргатишнинг бошланишидир. Болалар учун икки тил алифбосини ўзлаштириш оғирлик қилмоқда.
2. Латин графикаси ва инглиз алфавитидаги ҳарфлар деярли бир хил бўлганлиги сабаб ўқувчилар инглиз тилидаги сўзларни ўқиш ва ёзишни фарқлашда қийналмоқда.
3. Инглиз тилида 26 та ҳарф мавжуд, бироқ бу ҳарфлар 44 та товуш ифодалайди. Бу тилнинг энг мураккаб томони шундаки, бир ҳарф ифодалаган товушни иккинчи бир ҳарф ҳам ифодалаши мумкин. Масалан: some [kɒ m], sun [sʌ n], mother [mʌ ðə]. Уч сўзда ҳам [л] товушини кўриш мумкин, бироқ уларни ифодалаётган 2 ҳарф ва бир ҳарфнинг икки ҳолатда эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундан ташқари, талаффузда бир товушнинг озгина ўзгариши ҳам сўз маъносининг ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан: ship [ʃ ɪp], sheep [ʃ i:p], live [lɪv], leave [li:v]. Шу боис, сўзларнинг талаффузи, ёзилиши ва ўқилишини ўргатиш ўқитувчининг тинимсиз меҳнатини, изланиши, маҳоратини талаб этади. Зеро, сўзларнинг ёзилишини билмаган ўқувчи унинг ўқилишини ҳам билмайди.

Бу борада ўқитувчиларга нималар тавсия этилади?

Энг аввало, ҳар бир ўқувчининг синфда ва уйда ёзиш дафтарлари бўлиши керак. Ўқитувчи ҳарфларни ўтишни бошлагандан бошлаб, босқичма-босқич ҳарфларни, сўзларни ёздириб бориши, уларнинг ёзилиши ва ўқилишини таққослаган ҳолда бир неча бор такрорлатиш, ёзув машқларини хилма-хил усулда амалга ошириши лозим.

Масалан: **1- тавсия**

1. Уйда мева (қайси мева эканлиги албатта айтилади) расмлари чизиб келиш топшириқ қилиб берилади. (режага асосан албатта сўзлар ўзгартириб борилади)

2. Навбатдаги дарсда ўқувчилардан чизилган меваларнинг номи навбат билан инглиз тилида қандай бўлиши сўралади ва ҳар бир меванинг қаршисида сўз ёзилади.
 3. Сўзларни бир неча қатор ёзиб келиш топшириқ сифатида берилади.
 4. Кейинги дарсда ўқитувчи диктант тарзида ёздириб кўради.
- Сўзларнинг ўзлаштирилиш даражаси турли усулларда синаб кўрилиши мумкин.

2- тавсия

Farm Animals – Write in Alphabetical Order

Pig	1. _____
Sheep	2. _____
Duck	3. _____
Chicken	4. _____
Cow	5. _____
Horse	6. _____
Goat	7. _____
Rooster	8. _____

3- тавсия


Make up the right word



l b s e u o _____



o c a t _____



at h



h o e s s




d s s r e




k s i t r


4 – тавсия Fill in the omitted letter




T. MATO



P O . A T O



O . I O N



C A R R . T

5- тавсия Write the things you like and you don' like.

I like

I don't like

Шу тарзда ўқитувчи ўқувчининг ёзма нутқини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи турли – туман топшириқлар, ўйинлар, крассвордлардан фойдаланиши мумкин.